

Бақара сураси, 175-оят

08:30 / 13.01.2018 3569

Ана ўшалар залолатни ҳидоятга, азобни мағфиратга сотиб олганлардир. Оловга қандай ҳам «сабрли»лар-а?! Бақара 175.

Ушбу ояти каримада васф асосида ҳақиқатни беркитган (кофир бўлган) яҳудий ва насронийларнинг иши агар бозордаги савдо-сотик мисолида тушунтирилса, улар ўзларига нақадар зулм қилаётганларини билиш мумкин. Худди қимматбаҳо олтинни бир тийинга қиммат жезга алишгандек, улар ҳидоятни сотиб, эвазига залолат – адашувни оладилар, шундай бебаҳо мағфиратни қўллари билан бериб, ўрнига азобни сотиб оладилар. Бундан зарарли савдо-сотик бўлмаса керак. Ҳа, модомики, қўлларидаги ҳидоят ва мағфиратни ўз ихтиёрлари билан топшириб, ўрнига ўзлари хоҳлаб, залолат ва азобни оляптиларми, энди маза қилиб, дўзах ўтига чидайверсинлар!